Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
16 июль
ШАНБА

№ 56
(12.380)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Халқимизнинг эзгу орзуси рўёбини таъминлаган истиқлол шарофати билан ўзбек, ўзлик, миллий қадриятлар, миллий бойлик каби сўзлар ўзгача оҳангда янграй бошлади. "Ўз кунини ўзи кўра оладиган" ўзбекка энди кўплар ҳавас билан қараётганлиги ҳам бор гап. Зеро, ўз дони, ўз нони, гўшт-ёғи, мевачевасигача бисёр халқимизнинг Мустақил Ўзбекистон дея аталувчи Ватани, саховатли тупроғи бор. Булар шунчаки гап эмас. Бир қарич ерини ҳам парваришлаб, ниманидир ундириш, ўстиришга ҳаракат қиладиган халқимизнинг меҳнатсеварлиги бошқалар томонидан ҳамиша эътироф этиб келинган. Шу ўринда хорижлик биродарларимиздан бирининг сўзларини келтирмоқчиман: "Ўзбекнинг ўзгаларга ибрат бўладиган яна бир хислати бор. У ҳар қандай вазиятда ҳам ночорликка бўй бермайди. Кимлардир очликдан силласи қуриган пайтларда унинг уйида албатта бир бурда нон, туршак, майиз топилади... Бундай холисона таъриф замирида шундай жиҳатларни илғаш мумкин. Уқувли, удли-шудли, тадбирли халқ ўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, вилоятимизнинг Чиноз туманида ана шундай ишбилармон, табдиркор, эл дастурхони тўкинлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган миришкор деҳқонлар яшайди.

Чиноз:

ХИРМОНЛАРИ КЎКНИ ЎПАР ЗАМИН БУ

1. Юрт ризқини кафтида, юкини елкасида кўтараётган эл бор бўлсин

Умумий майдони 34011 гектар ернинг 20864,1 гектарида деҳқончилик қиладиган аҳолини уста деҳқон демай бўладими?!

Ҳозирги кунда туманда 254 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, асосий қисми (206) деҳқончилик билан шуғулланади. Улар етиштираётган пахта-ю ғалла вилоятимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, боғдорчилик маҳсулотлари етиштираётган боғбонлар 36 та фермер хўжаликларига бирлашган. 12 та фермер хўжалигида чорва, 9 тасида балиқ, 3 та хўжаликда парранда ва парранда маҳсулотлари етиштирилади.

Хуллас, аҳолининг ҳеч нарсага зориқмай яшаши учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Шу кунларда ризқ-рўзимиз – ғалла ўрими авжида. 8 минг 194 гектар ерга экилган буғдой 182 фермер хўжаликлари томонидан эртаю кеч тиним билмай ўриб-йиғиб олинмоқда. Натижа ҳам шунга яраша. Ҳозиргача 86 фермер хўжалиги ғалла топшириш режасини юз фоиз бажарди. Зеро, "озиқ-овқат мустақиллиги" йўлидаги саъй-ҳаракатларда чинозликларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Давлатга ғалла сотиш режаси 19 минг 915 тонна бўлгани ҳолда, ҳозирнинг ўзида 20 минг 724 тонна топширилиб, режа 104,1 фоизга бажарилгани, ҳали далаларда бошоқлари бўлиқ буғдойлар шовуллаб тургани эса, бу йилги ҳосил чўғи бунданда салмоқли бўлади дегани. Халқимиз ризқини мўл-кўл етиштириб, вақтида ўриб-йиғиб олаётган ғаллакорларимиз меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Тумандаги Гулзоробод массивида жойлашган "Ғуломов Миркамол" фермер хўжалиги 66 гектар ерда ғалла етиштирди. Бугунги кунда ўриб олинган буғдой 316,8 тоннани ташкил этди. Давлатга топшириладиган буғдой ҳам ортиғи билан уддаланди. 224,8 ўрнига 228,6 тонна дон топширилди. Ҳосилдорликни 48,1 центнерга етказишга эришган фермернинг шижоати ҳозир ҳам ҳавас қилгулик. Ҳали ҳам ғайрат камарини маҳкам боғлаб, учқур отнинг ёлларидан мустаҳкам тутган.

Ғаллакорларимизнинг меҳнат зафарлари ҳақида ҳали хўп ва кўп эшитишимизга шубҳа йўқ. Зотан, 41359 тонналик хирмонни уюшда ҳамкор, ҳамқадам бўлиб меҳнат қилаётган миришкор деҳқонларимиз истиқлолимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида. Чинозликларнинг доимо усти бут, меъдаси тўқ юришининг яна бир сири бор. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги – пахта етиштириш бўйича ҳам вилоятимизнинг энг илғор туманларидан ҳисобланади. Олтиндай товланаётган ғаллазорлар ёнида энди гулга кирган ямяшил ғўза пайкаллари кишига ўзгача завқ бағишлайди. Уларга боқиб, эртанги ҳосил чўғини чамалаш, пайқаш қийин эмас. Эрта-индин оппоқ пахта шоналари яшнатадиган далалар бугунги парваришдан куч-қувват олмоқда. Ғалласини омон-эсон ўриб-йиғиб олган Миркамол Ғуломов каби уста деҳқонлар бутун кучини энди пахтазорларга бағишлайди. Унинг салкам қирқ гектарли пахта майдонларидан йиғадиган ҳосили ўтган йилги 132 тоннадан анча юқори бўлиши аниқ. Туманда пахтачилик сирларини обдон ўрганган, ўз ери, ўз ҳосилига эгалигидан кўнгли ўсиб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган фермерлар кўп. Сайфулла Ашуров бошчилик қилаётган "Яхшилик", Улуғбек Қаршиев раҳбарлигидаги "Болтабой ота" каби фермер хўжаликлари салкам 22 минг тонналик пахта хирмони яратишда баракали меҳнат қилиб, бу йил ҳам карвонбошиликни қўлдан бермасликларига ишонч катта. Таъкидлаганимиздек, қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида бор куч-қуввати, иқтидорини ишга солиб, эл-юрт ризқини яратишда камарбаста бўлаётган чинозликларнинг меҳнат зафарлари ҳақида ёзганларимиз келгусида каттагина китоб саҳифаларини тўлдириши табиий. Улар бундай эътибор ва рағбатга муносиб.

СУРАТДА: туман чиройига чирой қўшиб турган замонавий уйларда ёш, бахтли оилалар яшайди; Чинознинг уста деҳқонлари, тадбирли фермерларидан бири, "Саидаҳмедов Хомуд" фермер хўжалиги раҳбари Олим Саидаҳмедов 70 гектар ерда деҳқончилик қилади. 38 гектарда пахта, 30 гектари ғалла, 2 гектар ерда тутзор барпо этган. Қўл остида ишлаётган 24 нафар ишчилар пилла етиштиришда ҳам фаол.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат марказида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимликлар, "Маҳалла" жамғармаси ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бўлим бошлиғи А. Сулиев, вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бўлим бошлиғи, идоралараро комиссия масъул котиби Э. Тошматов давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асоси бўлган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Бу жараёнда жамиятдаги соғлом муҳит ва кўплаб давлатлар ривожига жиддий хавф туғдираётган трансмиллий жиноятчилик – одам савдосига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда бундай жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" қонун қабул қилингани, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари бу турдаги жиноятларга қарши курашиш кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур меъёрларга мувофиқ, юртдошларимизни одам савдосидан асраш, ушбу жиноят домига тушган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, бунинг учун ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этиш борасида амалий чоралар кўрилаётир.

Тадбирда мазкур масалага кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, бундай жиноятлардан аҳолини, айниқса, ёшларни огоҳ этиш, тарғибот-тушунтириш ишларида таъсирчан воситалардан унумли фойдаланиш каби масалалар атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашишга доир қонунчилик тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти, бунда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан мутахассислар фикр-мулоҳазалари тингланди. Ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва бошқа мутасадди идоралар ўртасида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳаларга изчил татбиқ этиш иш ва хизматлар самарадорлигини ошириш, вақт ва қоғозни тежашда алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майда қабул қилинган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирларига оид қарори бунда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда тасдиқланган ушбу тизимга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар режаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли ташкилот ва идоралар ўртасида алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, ахборотларнинг қоғоз ва электрон манбалардаги оқимини мақбуллаштириш ҳамда ҳужжатларни сақлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш учун ягона ахборот маконини яратиш имконини бермоқда. Бу идора ва ташкилотларда қоғоздан фойдаланишни қисқартиришга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёллар ва ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИДА

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият юритаётган аёллар ва ёшлар йўналишидаги ННТ, фаол жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси – давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболи", "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси"да ННТ фаолиятини такомиллаштириш масалалари", "Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ижтимоий шерикчиликни янада ривожлантиришда аёллар йўналишида фаолият кўрсатаётган ННТларнинг тажрибаси" мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбир сўнгида ЎзННТМАнинг аъзолари томонидан давлат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклиги ривожлантиришга қаратилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс".

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

БЕКОБОД ШАҲРИ

МИЛЛИЙЛИККА НЕ ЕТСИН!

Шаҳар маданият ва истироҳат боғида Хотин-қизлар қўмитаси, "Ҳунарманд уюшмаси, "Микрокредитбанк" ОАТБ шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Қўли гулдир ўзбек аёлин" кўргазма-савдоси ўтказилди.

Унда 17 аёл иштирок этиб, ўз маҳсулотларидан анчасини сотдилар. Шу куни улар меҳнатига ҳавас билан қараган 7 қиз қўли гул бу усталарга шогирдликка тушди.

Шаҳарда, шунингдек, "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" ва "Оналар қуйлаганда" кўрик-танловларининг ҳудудий босқичи ўтказилди. Чевар ва хушовоз аёллар орасида "Зафар" маҳалласи вакиласи Малика Турғунова ғолиб деб топилди.

Шоира АБДУРАҲМОНОВА.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

Муқимий номли маҳаллада "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан" мавзусида расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

РАНГЛАР ЖИЛОСИДАГИ МЕҲР

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга бўлган меҳри, юртга садоқати ва муҳаббатини ранглар орқали ифода этиш, қолаверса, бугунги кун ёшларини маънавий-маданий, интеллектуал салоҳиятини оширишдан иборат.

Ҳайъат аъзолари расмларни бирма-бир кўздан кечириб, ғолибларни эълон қилишди. Унга кўра, 62-мактабнинг 5-синф ўқувчилари Улуғбек Очилов ҳамда Шаҳзод Аҳмаджоновлар биринчи ўринга муносиб деб топилдилар. Иккинчи ўрин 67-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Турдалиевага насиб этган бўлса, учинчи ўринни шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шаҳноза Каримова эгаллади.

Қатнашчи ва ғолибларга ташкилий қўмита фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ,
талаба.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Хондайлиқ қишлоғида янги темирчилик устахонаси ишга туширилди.

Устахона шу ва қўшни қишлоқлар фермер хўжаликларини керакли асбоб-ускуналар билан таъминламоқда.

Бундан ташқари, "Думалоқ" ва "Сари Канғли" маҳаллаларида новвойхона ҳамда савдо шахобчаси очилди. Аскамбой Рустамовга қарашли савдо дўконида қишлоқ хўжалик, турли туман озиқ-овқат маҳсулотлари бор. Олиб борилаётган бунёдкорлик натижасида 10 дан ортиқ бўстонлиқликлар ишли бўлди.

Ирода МАҚСУД қизи.

Чиноз – вилоятимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга туманлардан. Қолаверса, 75 йилдан зиёд вақтдан буён тараққиётнинг ўнқир-чўнқир, баъзида равон йўлларида ўз салоҳияти, кўриниши, қиёфасига эга бўлиб келаётган бу худуд ҳақида, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида айтишга арзигулик мулоҳазалар етарли. Қарийб бош-қош маҳаллалар фаолларига елкадош бўлаётган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳомийлигида хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолияти кенг йўлга қўйилган. Бири-биридан чиройли маҳалла гузарлари ҳамиша меҳнаткашлар билан гавжум. Кейинги йилларда йўллар текисланиб, аҳолининг узоғи яқин бўлиб қолганлигида ҳам бир ҳикмат бор. Асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган: ғалла, пахта, пилла ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириладиган ҳудудда каттакатта саноат корхоналари йўқ ҳисоб. Аммо, шу кунларда тўла қувват билан ишлай бошлаган "Чиноз-йўлиндустрия" корхонаси туман иқтисодиётида муҳим ўрин тута бошлади. Юқорида таъкидланган бунёдкорлик ишларида зарур бўладиган темирбетон, қум, шағал, асфальт каби қурилиш маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқда. Бу корхонада 310 киши меҳнат қилади. Ишлаб чиқариш ҳажми 6 ойда 2 миллиард 199 миллион сўмни ташкил этди. Қишин-ёзин силлиққина асфальт йўлдан юришнинг қадрини қишлоқ текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг ҳиссаси катта. У маҳаллий хом ашёдан калава ип, трикотаж материаллари ишлаб чиқаради. Ҳозирги кунда корхонада 465 киши меҳнат қилмоқда. Улар кучи билан 6 ойда 11 миллиард 918 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу муддат ичида 4 миллиард 261 милллион сўмлик маҳсулот

Чиноз:

ХИРМОНЛАРИ КЎКНИ ЎПАР ЗАМИН БУ

2. Фаровонлик сари етакловчи йўллар

340110 кв.км майдонга жойлашган ҳудуднинг аҳолиси 123 мингга яқин.

61,5 минг аҳоли шаҳарда, 60 мингдан зиёди қишлоқда яшайди. 14 хил миллат вакиллари аҳил-иноқ яшайдиган саховатли заминда кенгашиб, келишиб иш олиб борадиган қишлоқ фуқаролар йиғини 8 та, маҳалла фуқаролар йиғини 86 та. Бу жамоат ташкилотлари фаолиятига кенг имкониятлар яратилган истиқлол йилларида шаҳару туманнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ям-яшил далалар, кенг, равон кўчалар, замонавий иншоотлар, коллеж, мактаб, боғча бинолари туман кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишларида экспорт қилинди. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш корхона рентабеллигини ошириб, фаолиятини кенгайтириш учун имкон яратмоқда. Тўғри, хориждан келтирилган дастгоҳ, ускуналарнинг меҳнат унумдорлигини таъминлашини эътироф этиш керак. Ҳар ҳолда корхона ишлаб чиқараётган сифатли газламалар хорижникидан колишмаслиги ҳам бор гап. Хуллас, туман ижтимоий, иқтисодий ҳаётига дахлдор ҳар қандай корхона айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида берилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланаётгани ҳар қадамда бўй кўрсатиб турибди. Ўз ерида етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган ҳар қандай корхона асло ютқазмайди. "Чиноз замин нон" хусусий корхонаси фаолияти аҳолига маъқул бўлмоқда. Бир кунда 9-10 минг донагача турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхонада маҳаллий аҳоли бажонидил меҳнат қилмоқда. Зеро, хом ашё етишмай қолганда тўхтаб қоладиган корхоналардан фарқли ўлароқ, ўзи етиштирган ғалласи, ўзи янчган буғдой уни муқобил иш жараёнига кафолатдир.

аҳолиси яхши билади. Шу маънода "Чиноэйўлиндустрия"нинг маҳсулотларига талабгорлар кундан-кунга ортиб бораётганлиги корхона фаолияти кенгайиб, маҳаллий аҳоли қўшимча иш ўринларига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, аҳоли бандлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Чиноэликларни иш билан таъминлашда "Чиноз-

СУРАТЛАРДА: "Чиноз замин нон" хусусий корхонасида иш қизғин: технолог Эргашали Нишонбоев ишчилар Юлдуз Ҳайдарова, Ширин Саидраҳмонова билан нонниг сифатини яхшилаш хусусида суҳбатлашмоқда; "Хўжа" маҳалласида 3810 аҳоли, 1032 та оила, 806 та хонадон бор. Тадбиркорлар ёрдамида бунёд этилган Отажон ҳожи гузари уларнинг доимий хизматида.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН – ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

ЭНДИ ЯНАДА АНИҚРОҚ БЎЛАДИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг вилоят бошқармаси, вилоят Бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Кенг жамоатчиликка маълум, мамлакатимизда охирги йилларда ижтимоий муҳофазани такомиллаштириш, хусусан, пенсия тизимини яхшилаш бўйича ислоҳотлар ўтказилиб, соҳани тартибга солувчи қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Республика Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 апрелдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир.

Тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқатни йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва уни амалга татбиқ этишга бағишланди.

Семинарда таъкидланишича, ушбу қарорга илова қилинган бир қатор ҳужжатлар соҳа учун янгилик ҳисобланади. Шу пайтгача мутахассислар ногиронликни аниқлаш ва белгилашда 1960 йилларда амалга татбиқ этилган ҳужжатлар бўйича иш олиб боришарди. Аммо орадан йиллар ўтди, замон ва тиббиёт ўзгарди, соҳа бўйича кўпгина ҳолатларни янгича изоҳлаш ва тартибларни белгилаш эҳтиёжи туғилди. Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори ана шу талаблар натижасида яратилди, десак муболаға бўлмайди. Қарорга "Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом, "Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнатга лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом, "Ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари рўйхати" илова қилиниб, тасдиқланган.

Шунингдек, қарорга кўра тиббий-экспертиза комиссияларининг иш юритишини мувофиқлаштириш мақсадида "Ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома", "ТМЭК хулосаси ва тавсиялари", "Тиббий кўрикдан ўтказиш далолатномасидан кўчирма", "Ногиронлик гуруҳини олиб ташлаш тўғрисида маълумотнома" каби ҳужжатларнинг ягона расмий шакллари тасдиқланган.

Семинарда мазкур қарор ва унинг иловаларини яратишда иштирок этган мутахассислар қатнашчилар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг савол-ларига жавоб қайтаришди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

Қуйи Чирчиқ туманидаги уй-жой қурилиш ва коммунал хўжалиги, агросаноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида битирувчиларга диплом топшириш тадбири бўлиб ўтди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ОСТОНАСИДА

Ушбу коллежларда турли йўналишлар бўйича билим эгаллаган 1000 дан зиёд ёшлар дипломли бўлди. Эндиликда улар ўзлари истаган билим юртига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўришмоқда.

Ирода МАҚСУД қизи.

ҚОНУН ҲАММА УЧУН БАРОБАР

Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулни банкларга жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилди.

Нақд пул топширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011 йил апрель ойида 205 миллиард сўм нақд пул топширилиши белгиланган бўлиб, амалда улар томонидан нақд пул шаклидаги терминаллар орқали 177 миллиард сўм тушиши таъминланган.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Шунингдек, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасига кўра, 162 нафари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва инкассация хизмати билан шартномалар туздирилиши таъминланди.

Нақд пул тушуми режаси мунтазам равишда бажарилмаётганлиги эътиборга олиниб, вилоят прокуратураси томонидан шаҳар ва туман ҳокимликлари пул-кредит сиёсати комиссияларининг бу борадаги фаолияти ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати қўлланилди.

Жумладан, акциядорлик тижорат "Ҳамкор банк"нинг Чиноз филиали мансабдор шахслари юқорида қайд этилган қарорлар талабларига риоя этмасдан, 2010 йил июнь ойида тўланиши лозим бўлган 30 миллион сўмлик иш ҳаки ва пенсия тўловларини нақд пул билан кечиктириб таъминлаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, 2011 йил март ойида Чиноз туманидаги корхона ва ташкилотларга тўланиши лозим бўлган 5,9 миллион сўмлик тўловларни нақд пул билан таъминлашни асоссиз равишда кечиктириб, бюджет интизомини бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан Чиноз туман прокуратураси томонидан 2011 йил 26 апрель куни "Ҳамкор банк"нинг Чиноз филиали мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-1-моддаси 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шу каби, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг ижтимоий муҳофазасига оид қонунлар ижроси юзасидан ҳам назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Масалан, Бўка тумани "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси ишчиларининг иш ҳақидан бўлган 29,8 миллион сўмлик қарздорлигини ундириш юзасидан туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Вилоят прокуратураси органларининг аралашуви билан ишчи ва хизматчиларнинг 9,1 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақларини тўлаб бериш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди.

А. ТОШПЎЛАТОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

ҚЎЛЛАНМА ЧОП ЭТИЛДИ

Республика Маънавият тарғибот марказида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирга таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари таклиф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳам ёшлар тафаккурини юксалтириш, юртдошларимизнинг ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, онгу шуурини миллий фазилатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид мафкуравий таъсир ва таҳдидлардан ҳимоялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ушбу қутлуғ санага бағишлаб ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" қўлланмаси чоп этилди.

Тадбирда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, жамиятнинг маънавий юксалиш жараёнлари, миллий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎзА.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси тизимида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мижозларга интерактив хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда соҳада ахборот технологиялари ва алоқа воситаларини ўз ичига олган ахборот тизимлари шакллантирилган.

Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизматидан маълум қилишларича, ҳозир солиқ идораларида қарийб 8 минг компьютер мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлардан тўлақонли фойдаланиш имконини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 8 январда қабул қилинган "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, солиқ тизимида ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини қучайтиришга қаратилган ўттизга яқин дастурий маҳсулотлар амалиётга татбиқ қилинди. Жумладан, солиқ тўловчиларга ўндан ортиқ интерактив, яъни қоғозсиз, масофали хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботларини солиқ идораларига электрон кўринишда юбориш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "БЭМ – бухгалтерга электрон мадад" дастурий маҳсулоти яратилиб, амалиётда кенг қўлланмоқда.

Тизимда жорий қилинган корпоратив ахборот тармоғи орқали солиққа оид ва бошқа хизмат маълумотлари узатилиши йўлга қўйилди. Узатилаётган ахборот ҳажмининг йил сайин ўсиши мобайнида ўзаро ахборот алмашиш тизими ҳам мунтазам такомиллаштирилмоқда. Шу мақсадда 2009 йилда корпоратив алоқа канали тармоғини модернизация қилиш ва ер усти каналларига ўтказиш ишлари амалга оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармалари ва улардаги 194 туман, шаҳар давлат солиқ инспекциялари оптик толали алоқа жиҳозлари билан таъминланди. Натижада давлат солиқ инспекцияларида маълумотларни узатиш тезлиги қарийб 35 баробар, ҳудудий солиқ бошқармаларида эса 71 баробар ошди. Солиқ тўловчиларга электрон рақамли имзо бериш ва ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш, интерактив хизматлар кўрсатиш янада жадаллашди.

Сўнгги йилларда нақд пул тушумлари тўғрисида тезкор маълумотларни қабул қилиб, ҳудудларга автоматик равишда жўнатувчи "Нақд пул тушумлари ҳисобини юритиш", "Солиқ декларацияларини электрон тарзда топшириш", "Банк-ДСҚ" каби дастурий маҳсулотлар яратилди. Бу нафақат моддий ресурсларни тежаш, балки вақтдан унумли фойдаланиш имконини ҳам бераётир. Солиқ тушумлари ҳақидаги банк маълумотлари "Банк-ДСҚ" дастури орқали солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда киритилмоқда. Бунинг учун илгари 8-10 соат сарфланган бўлса, ҳозир бунга 4-5 дақиқа кифоя. Шунингдек, "Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тушумлар ҳисобини юритиш 1-Н" дастурининг жорий этилиши солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кунлик тушумлар ҳисобини юритиш ишларини автоматлаштиришда қўл келмоқда.

Яна бир дастурий маҳсулот – "Текширишлар режа-жадвалини шакллантириш" ходимлар иш унумини оширишномаларини қўйиш учун 1,5 мингга яқин солиқ инспектори жалб этилар эди. "Солиқ қарзини электрон инкасса топшириқномалари орқали ундириш" дастурий маҳсулоти амалиётга жорий этилгач, буни ҳар бир инспекцияда бир ходим уддаламоқда. Қолаверса, 2010 йил давомида 3256 мингта инкасса топшириқномаларини чоп этиш учун 6512 минг дона қоғоз ҳамда принтер техникаси, бутловчи материаллар учун 250 миллион сўм сарфланган бўлса, бу жараён электрон шаклга ўтказилиши натижасида 35-40 тонна қоғоз тежалди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августда қабул қилинган "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Давлат солиқ қўмитасига 10 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида солиқ тўловчилар ўз офисларида туриб, давлат солиқ органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш, уларга расман мурожаат этиш, ўзаро ҳисобкитоблар ва солиқ ҳисоботларини ҳамда йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияларини электрон шаклда тақдим этиш имконига эга бўлди.

Бунинг учун солиқ тўловчилардан электрон рақамли имзо талаб этилади. Ушбу хизмат йўлга қўйилгач, рўйхатга олинган электрон рақамли имзолар сони 2008-2010 йиллар мобайнида 5,7 баробар ошган бўлса, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этган корхоналар сони сўнгги уч йил мобайнида 13,8 баробар кўпайди.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш, идентификация рақамини бериш ҳамда уларнинг маълумотларига ўзгартиришлар киритиш бўйича интерактив давлат хизматидан самарали фойдаланилмоқда. Бу усул солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган сўровномаларни интернет ёрдамида тез ва сифатли қабул қилиш, улар асосида янги рўйхатдан ўтаётган юридик ва жисмоний шахсларга шу заҳотиёқ идентификация рақами бериш каби қатор афзалликларга эга.

Тизимдаги интерактив хизматлар, жумладан, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон шаклда интернет орқали жўнатиш тизими "Uzinfocom" маркази томонидан ўрганилиб, ижобий хулоса берилган. Улар ҳақида барча маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий сайтига жойлаштирилган. Ушбу сайтга мурожаат этувчилар сони сўнгги уч йил давомида 4 баробар ошган.

Қоғозсиз ҳужжат алмашинувининг жорий этилиши, бошқа соҳаларда бўлгани каби, Давлат солиқ хизмати органларида ҳам ишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чиноз:

ХИРМОНЛАРИ КЎКНИ ЎПАР ЗАМИН БУ

3. Эртанги кун бугундан бошланади

"Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган".

Халқ таълими тизимида мустақиллик йилларида олиб борилган улкан ислоҳотлар Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида келтирилган ушбу фикрларига ҳамоҳанг. Айни пайтда ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилишини, эртанги кунимиз қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ эканлигини яхши англайди.

Шу маънода чиноздик ёшларнинг талаб даражасида таълим-тарбия олишлари учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар аниқ мақсад ва вазифалар ижросига йўналтирилган. Тумандаги 46 та умумтаълим мактаби, 2 та мактаб-интернат, 13 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Баркамол авлод маркази ёш авлод хизматида. Умумтаълим мактабларига қатнайдиган 19622 ўқувчига 1579 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Мамлакатимизда халқ таълими соҳасига берилаётган катта эътибор истиқлол йилларида қабул қилинган қатор фармон ва қарорларда ўз аксини топган. "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"дан тортиб, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури", "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларигача фикримиз исботи. Давлат дастури асосида замонавий кўринишда қурилган 4 та янги мактаб барча зарур жиҳозларга эгалиги билан бошқаларидан ажралиб туради. 19 та мактабда капитал реконструкция, 22 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундай қулайликлар, шарт-шароит, яратилаётган имкониятлар ўз навбатида ўқувчилар таълим-тарбиясида туб бурилиш ясаганлиги, уларнинг билим даражаси анча ортганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг Давлат таълим стандартларини ўзлаштириш мониторинги ва фанлар бўйича билимлар синовларини ўтказиш тўғрисида"ги буйруғига асосан ўтказилган "Билимлар синови"нинг туман босқичида ғолиб бўлган 32 нафар ўқувчи вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этишди. 28-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Саида Шермуҳаммедова эса тарих фани билимдони сифатида республика миқёсидаги танловларда ҳам туман ва вилоят шаънини муносиб ҳимоя қила олди. Мукофот тарзида Бўстонликдаги "Қуёшли" болалар оромгоҳига йўлланма билан тақдирланди. У ерда ўзи каби билимга чанқоқ, зийрак, зукко тенгдошлари билан мириқиб дам олди.

– Бу ерда мустақил Ўзбекистонимиз тарихи, гўзал диёримиз ҳақидаги билимларим, таассуротларим янада кенгайди, – дейди Саида. – "Интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳи"да кўрганларим, олган билимларимни мактабга боргач, синфдошларимга сўзлаб бермоқчиман.

Туман ёшларининг спортга бўлган қизиқиши ҳам тобора ортиб бормоқда. 40-умумтаълим мактабидан Шоҳруҳ Ахатов, 1-умумтаълим мактабидан Абдували Кўчқоров вилоятимиз боксчилари орасида энг кучлиси деб топилди. Оғир атлетика бўйича республика биринчилигида ғолибликни қўлга киритган 5-умумтаълим мактаби ўқувчилари Д. Синицкий, А. Ҳусанбоевнинг муваффақияти чиноздик спорт ишқибозларига завқ-шавқ, қувонч бағишлагани шубҳасиз. Айниқса, таэкван-до бўйича ёшлар ўртасида Италия давлатида ўтказилган нуфузли жаҳон биринчилиги мусобақасида 1-ўринни эгаллаган 40-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Абдулла Ҳамидуллаевнинг ғалабаси нафақат Чиноз тумани, балки вилоятимиз, республикамиз спорти довруғи оламга ёйилаётганидан дарак.

– Болалигимдан спортга меҳр қўйганман, – дейди Абдулла. – Кўпгина мусобақаларда қатнашиш насиб этди. Ҳар сафар Ўзбекистондек бағри кенг диёрдан эканлигим билан фахрланиб қайтаман. Чет эл сафари менга жуда катта таассурот, керак бўлса ҳаётий сабоқ берди. Барибир, Ўзбекистонимизда ёшларга муносабат ўзгача... Ота-онамнинг озод ва обод юртга муносиб фарзанд тарбиялаш орзусини рўёбга чиқариш, шундай имкониятлар яратиб қўйган она Ватан ишончини оқлаш менинг муқаддас бурчимдир.

Ҳақиқатан ҳам, ёш авлод тақдирига жавобгарлик руҳидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган чиноздик ёшлар келгусида ота-онаси, мустақил Ватани орзу интилишлари, умид ва ишончини оқлашига шубҳа йўқ. Мактаб остонасини тарк этмаёқ, бешта замонавий, муҳташам касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни катта ҳаёт сари қўяётган илк қадамларига оқ йўл тилаб, ўз бағрига чорлаб турибди. Бу масканларда иқтисодиёт, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги бўйича хоҳлаган касбни эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ёшларни қизиқтирган барча ахборотларга, зарур қўлланмалар, илмий-бадиий китобларга эга ахборот-ресурс марказлари, маданият ва спорт заллари, турли тўгараклар ўқувчилар хизматида. Ўтган йили 2 минг 547 нафар ўқувчини қабул қилган касб-ҳунар коллежлари бу йил 2600га яқин йигит-қизларга касб сирларини, ҳаёт сабоқларини ўргатишга ҳозирлик кўрмоқда.

СУРАТЛАРДА: ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар доимо ўқувчилар билан гавжум.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 4 июлда имзоланган 2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорига мувофиқ шу кунларда барча олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш давом этмоқда.

«АБИТУРИЕНТ – 2011»

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасидаги улкан ўзгаришлар миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарининг тобора ривожланиб бораётганидан далолатдир. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий асосда янгидан-янги кўркам уй-жойлар, бино ва иншоотлар барпо этилмоқда. Айни пайтда соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ошмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институти мазкур соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим масканидир. Бу ерда бинолар ва иншоотлар қурилиши, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш, уй-жой коммунал ва маиший сервис каби кўплаб йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Равшан Нурумбетовнинг таъкидлашича, жорий йилда мазкур олий ўқув даргоҳининг бакалавриат йўналишига 795 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Ҳозиргача абитуриентлардан қабул қилинган аризалар сони мингдан ортди. Бу кўрсаткичнинг аввалги йилларга нисбатан анча юқорилиги архитектура ва қурилиш соҳасида олий таълим олиш истагида бўлган ёшлар safи тобора кенгайиб бораётганидан дарак беради. Айниқса, йигит-қизларнинг архитектура, кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш, дизайн, менежмент синфари таълим йўналишларига қизиқиши катта.

Институт магистратурасига ажратилган 138 ўриннинг 39 таси давлат гранти ва 99 таси тўлов-шартнома асосида билим олувчи ёшлар учундир. Жорий йилдан ўқитишнинг мазкур йўналишида материалшунослик ва материаллар технологияси (қурилиш материаллари), геотехника ва ер ости гидротехника иншоотлари, қурилиш иқтисодиёти, бино ва иншоотлар кадастри каби янги мутахассисликлар ташкил этилди.

Айни кунларда институтда абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш жараёни юқори савияда олиб борилмоқда. Абитуриентлар, уларнинг ота-оналари учун ҳужжатлар топшириш бўйича кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун барча ўқув-услубий, тиббий-маиший ва маданий-маърифий шароитлар яратилмоқда.

Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожи кўплаб соҳаларда ишнинг сифати ва салмоғини белгиловчи асосий мезонлардандир. Тошкент ахборот технологиялари университети бу борада юқори малакали кадрлар тайёрловчи юртимиздаги йирик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ушбу университетда ҳам қабул жараёни тартибли, юқори ташкилий-техник савияда ўтказилмоқда.

– Жорий йилда университетнинг бакалавриат йўналишига ахборот хавфсизлиги, мобиль алоқа тизимлари, телекоммуникациялар, аудио-видео технологиялар, телевидение, радиоалоқа ва радиоэшитириш, информатика ва ахборот технологиялари каби ўн беш йўналиш бўйича жами 1250 нафар талаба қабул қилинади, – дейди университет қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Ўткир Ҳамдамов. – Шу кунгача 3700 нафарга яқин ёшлардан аризалар қабул қилинди. Ёшларнинг информатика ва ахборот технологиялари, кино-телеоператорлик, мобиль алоқа тизимлари, компьютер графикаси ва дизайн синфари мутахассисликларга қизиқиши айниқса юқори.

Талаба бўлиш истагидаги ёшлар учун университетда махсус маълумотлар стенди ташкил этилган, шунингдек, tuit.uz веб-сайтида қабулга оид барча маълумот ва янгиликлар, зарур ҳужжатлар ҳақида атрофлича ахборот олиш имконияти яратилган.

Олий ўқув юртларида тегишли фанлар бўйича тест синовларига оид консультатив машғулотлар ташкил этилган. Буларнинг барчаси юртимизда ёшларнинг тўлақонли билим олиши, ўз қизиқиши ва қобилияти бўйича касб-ҳунар эгаллаши йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Олий ўқув юрти талабаларининг иқтидорини юзага чиқариш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини, хусусан Камолот ЁИҲдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Камолот" стипендиясига аризалар топширилиши бошланди.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ТАНЛОВИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур стипендия талабаларнинг ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ёки ҳудуд (туман, шаҳар, вилоят)да "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи мукофотдир.

Ушбу стипендия йилнинг ўн икки ойи давомида тўлаб бориладиган тўлов бўлиб, унинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир баравари қилиб белгиланади.

– Ушбу стипендия олий таълим муассасалари талабаларининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига интилишини кучайтириш, талабаларнинг иқтидори ва салоҳиятларини янада оширишга йўналтирилганлиги билан кўпроқ аҳамият касб этади, – дейди Марказий кенгаш иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўлими мудири Сарвар Ашуров. – Бу танловда иштирок этишни хоҳлаган талабалар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти. Ўтган йил танловга 500 дан ортиқ ариза қабул қилинган бўлса, шундан 150 нафар ёшлар республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Уларнинг орасидан ҳам яна сараланиб, 16 нафарига стипендия топширилди. Аниқ фарқлаб олиш керакки, ижтимоий ҳаракат томонидан ташкил этилган "Камолот" таълим гранти мамлакатимиздаги талаба-ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, яратган ихтиролари қўллаб-қувватлашга қаратилган. "Камолот" стипендияси эса ҳаракат фаоллари сонини янада кўпайтириш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, олий таълим муассасасидаги ташаббускорлигини шакллантиришга хизмат қилади.

"Камолот" стипендияси танлови уч босқичда ташкил этилади:

Биринчи босқич – иштирокчилар анкета ва ҳужжатларини қабул қилиш босқичи бўлиб, ҳар йили 20 июндан 20 сентябргача давом этади. Анкеталар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари Кенгашида қабул қилинади. Шунингдек, Ҳаракатнинг www.kamolot.uz интернет сайтига киритилади ва иштирокчилар уларни тўлдиради.

Иккинчи босқич – саралаш босқичи бўлиб, 1 октябрга қадар ташкил этилади. Мазкур босқичда Ҳаракатнинг Марказий кенгаши қошида ишчи гуруҳ тузилиб, республикадаги барча олий таълим муассасаларидан келган иштирокчиларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ҳамда муносиб номзодлар саралаб олинади.

Учинчиси эса – якуний босқичи бўлиб, 15 октябрга қадар Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мазкур босқичга йўлланма олган иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий саводхонлигини баҳолашга қаратилган тест синови ҳамда яратган лойиҳасининг тақдимоти ташкил этилади. Тест синовлари ва сухбат натижаларига кўра юқори балл тўплаган талабалар стипендия соҳиби деб топилади.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2011 йил III чорагининг август ойи учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

1. Сухари (ГОСТ 686-83)
2. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон (ГОСТ 27842-88)
3. Биринчи навли ун маҳсулоти
4. Иккинчи навли ун маҳсулоти
5. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)
6. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (ГОСТ 16351-86)
7. Кефир (3,2% жир ГОСТ ишлаб чиқилмаган)
8. Сметана 30% (ёки 25% жир O'zDSt 1084-2005)
9. Творог 18% (O'zDSt 119-2003с)
10. Пишлоқ 45% (ГОСТ 7616-85)
11. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)
12. Томат пастаси 30% (ГОСТ 3343-89)
13. Картошка (ГОСТ 7176-85)
14. Карам (ГОСТ 1724-85)
15. Помидор (ГОСТ 1725-85)
16. Бодринг (ГОСТ 1726-85)
17. Қўкатлар
18. Сабзи (ГОСТ 1721-85)
19. Лавлаги (ГОСТ 1722-85)
20. Пиёз (ГОСТ 1723-86)
21. Мевалар (олма ГОСТ 16270-70)
22. Тарвуз (ГОСТ 7177-80)
23. Қуритилган мевалар
24. Сок п/я (олмали ГОСТ 656-79, ГОСТ 16366-78)
25. Хамиртуруш
26. Сомон
27. Дудланган гўшт
28. Компот консерваланган
29. Пичан
30. Арпа, сули
31. Ер ёнғоқ (тозаланган) (ТУ Уз 10-81-98, ТУ Уз 10-138-2001)

Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар: гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда мавжуд омбор (мулкдор) тўғрисида маълумотнома.

2011 йилнинг 29 июль кунига қадар таклифларингиз қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-57-61, 236-02-82, 236-27-70.

Манзил: Тошкент ш. А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги 3-қават.

НИГОҲ

РАҲБАРЛАРНИНГ СИЁСИЙ КАЛТАБИНЛИГИ

Тожикистонда инфляциянинг кучайишига олиб келмоқда

Ҳукуматнинг 2010 йилда инфляцияни 9 фоиз даражасида ушлаб қолишга зўр бериб уриниши ҳеч қандай натижа бермади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, инфляция 14,2 фоизга чиқди. Бу 2009 йилдагидан қарийб 200 фоиз юқори. Раҳбарларнинг ўзлари эгаллаб турган лавозимларга номуносиб эканликларини тан олмасликлари туфайли миллий валютанинг қарийб 15 фоиз қадрсизлангани ва шу билан боғлиқ ҳолда нарх-навонинг ошиб кетганлиги учун бутун айб жаҳон молияиқтисодий таназзули, Россия ва Қозоғистонда ҳосил яхши бўлмаганлиги, шунингдек, қўшни Ўзбекистон гўё Тожикистонни иқтисодий сиқувга олаётганига ағдарилди.

Ҳукуматга ён босувчи айрим оммавий ахборот воситалари тожикларнинг меҳнатсеварлиги қандай ютуқларга олиб келаётгани, пахта йиғимтерими, ер ости бойликлари, жумладан кўмир қазиб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилаётгани ҳақидаги баландпарвоз ҳисоботлар билан том маънода бонг урмоқда. Қишлоқ хўжалигининг гўё холис статистика мол туёғи ва парранда сонида акс эттираётган улкан тараққиётига республика газеталаридаги бош мақолаларда кенг ўрин берилмоқда. Ҳамма режалар бажарилди, президент белгилаб берган 2010 йил дастурлари тўла-тўкис амалга оширилди.

Ҳаммаси жойида экан, хўш, хато қаерда? "Ташқи омилларда, албатта" дейишмоқда "Мажлиси Намоёндагони"да.

– Таназзулдан чиқиш бўйича президент томонидан чуқур ўйланган ва тасдиқланган қатор чора-тадбирлар бенуқсон ва мукаммал, – дейди депутатлардан бири. – Бу тадбирлар устида энг яхши мутахассислар ишлаган (афтидан, ўзини назарда тутаётган кўринади). Аммо, афсуски, бизнинг геополитик жойлашувимиз қўшни давлатларнинг нуқтаи назарларини бир четга суриб қўйиб, минтақавий стратегик қарорлар қабул қилиш учун кенг имкониятлар бермайди.

– Ҳар доим шундай бўлади, – деб ҳисоблайди мустақил қирғиз сиёсатчиси Виктор Косарев. – У ёки бу ютуққа эришилса, тилимиздан "Мен", "Биз", "Бизга" сўзлари тушмай қолади. Бугун биз Тожикистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида кузатаётганимиз мағлубиятлар чоғида "улар" сўзини қайта-қайта такрорлаймиз.

Бу орада "чуқур ўйланган чора-тадбирлар" асосий озиқ-овқат турлари нархининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Энди бир қоп биринчи нав ун 5 долларга қимматлашиб, тахминан 30 долларга чиқди. Ўртача иш ҳақи 60 доллар бўлган мамлакат учун бу катта пул. Ёнилғимойлаш ашёлари нархи ҳам кескин кўтарилди. Бу эса, ўз навбатида ҳар куни дастурхонга қўйиладиган шакар, ёғ ва гўшт каби зарур озиқ-овқатлар баҳосини ҳам ошириб юборди.

Тожикистонлик иқтисодчи Таборали Ғаниев агар озиқ-овқат дастури оқилона тузилиб, тўғри амалга оширилганда, вазиятни назорат остида ушлаб туриш мумкин бўларди, деб ҳисоблайди. Энг устувор йўналишлар – ёнилғи-мойлаш ашёлари, ун, шакар ва гўштни четдан олиб келишни давлат қаттиқ назорат қилиши лозим. "Гулистон" бозори раҳбари Осим Мамажонов ҳам шундай фикрда. У тегишли органлар улгуржи ва чакана савдо пунктларида стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар нархининг ўзбошимчалик билан оширилишига йўл қўймаслиги лозим деб ҳисоблайди.

Виктор Косаревнинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёнилғимойлаш ашёлари нархини мажбурий тартибга солишнинг ўзи кифоя қилмайди. "Инфляцияга қарши амалда мавжуд бўлган барча куч ва воситалар ёрдамида курашмоқ лозим, – дейди у. – Бу масалада энг зарур маҳсулотларни импорт қилиш учун божхона имтиёзлари, шу маҳсулотларни етказиб берувчилар учун солиқ имтиёзлари ишга солиниши, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бевосита аҳолига сотиш бўйича қатъий карточка тизими жорий этилиши лозим. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, завод ва фабрикаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналарни четдан келтириш учун ҳам солиқ ва божхона имтиёзлари керак. Айниқса, давлат бюджети тақсимотига, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга пул йўналтириб туриш, майда фермерларга имтиёзли кредитлар ажратиш, четдан озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида харид қилиб бориш масалаларига ҳам етти ўлчаб, сўнг ёндошмоқ лозим".

Шубҳа йўқки, сиёсатчи ҳақ. Олдиндан кўра билиш ва амалга ошириш зарур бўлган яна талай ишлар бор. "Келиб чиқаётган, айниқса, давлат миқёсидаги муаммоларни ҳал этиш" тартибида иш юритиш хатолиқдир.

Сиёсий ирода – бу, аввало, шахсий хатоларни тан олиш ва уларни тузатишга ҳаракат килиш. Аммо, бу – Тожикистонга ҳеч қандай алоқаси йўқ мезонлар туркумидан.

Максим ДУБЕНЯКИН.
www.centrasia.ru

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "Кахаров Ойбек Насридинович" (ИНН 601032726) якка тартибдаги тадбиркорга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманида рўйхатга олинган (СТИР 300937193) "KONMAX-FOOD" ХК устав фонди 20 000 000 сўмдан 5 545 000 сўмга камаяётганлигини маълум қилади. Тел.: 766-69-86.

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2008 йилда Даминов Даврон Бахтиярович номига берилган (рўйхат рақами № 3016) К № 1023144 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ҳокимияти томонидан 2004 йилда № 000601-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "INTER KASABLANKA" ХК (ИНН 205178164) ўз фаолиятини **ТУГАТМОҚДА.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99893) 388-62-52 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод ҳокимияти томонидан 2011 йилда № 006483-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PLATINUM IMPEX" МЧЖ (ИНН 207113330) ўз фаолиятини **ТУГАТМОҚДА.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб (+99897) 405-39-91 рақамли телефон орқали бир ой давомида қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги "SHARQ-NOVZA" (ИНН 207041595) уй-жой мулкдорлари ширкати "Абдурахим коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкатига қўшилмоқда.

Чиноз:

ХИРМОНЛАРИ КЎКНИ ЎПАР ЗАМИН БУ

4. Баркамол авлодни вояга етказиш масъулияти

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига берилаётган катта эътибор, инсон саломатлиги йўлидаги беқиёс ғамхўрликлар Чиноз аҳолиси ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Туманнинг 122 мингдан зиёд аҳолисига 281 нафар малакали шифокорлар, 686 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида жиҳозланган 14 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та туман шифохонаси аҳоли эҳтиёжини талаб даражасида қондираётганини таъкидлаш жоиз. Улар замонавий ЭКГ, автоклав, бикслар, гинекология, лор касалликлари диагностикаси, патронаж ва сумка совутгичлар, бошқа керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Туман марказий шифохонасидаги "Фабиус" ва "Велла" ўпкани сунъий нафас олдириш ҳамда кўчма рентген аппаратлари, электрон тарозилар, универсал жарроҳлик столи, шунингдек, бошқа жиҳозлар, зарур тиббий ускуналар ёрдамида хизмат кўрсатиш сифатли олиб борилмоқда.

"Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари доирасида ҳамда Қувайт банкидан кредит ҳисобига тиббий бўлимларга жиҳозлар олиш давом этмоқда. Маълумки, аёллар саломатлиги соғлом зурриёт, баркамол авлоднинг вояга етишида муҳим омил саналади. Миллат омонлиги оналар соғломлигига боғлиқ экан, Юртбошимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Шу маънода "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Президент Қарори ҳар бир тиббий муассаса, ҳар бир тиббиёт ходими учун дастуриламалдир.

– Туман аҳолисининг ярмидан кўпроғи аёллар. Улардан 32261 нафари туғиш ёшида, – дейди тиббиёт бўлими ходими Бўстоной Бабонова. – Аёллар саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назоратда. Тиббий кўрик бу борада ишимиз самарасини белгилайдиган омил. Шунинг учун 815 қатнов қувватига эга аёллар ва болалар маслаҳатгоҳи, силга қарши кураш, ТТК диспансерлари ва стоматология поликлиникалари доимо аҳоли хизматида.

Маълумки, ўзига яраша уй-рўзғор ташвишлари бор қишлоқ аёли учун, аввало, тиббий маданият кўникмалари зарур. Бу борада чинозлик аёлларга хизмат кўрсатаётган маслаҳатхоналарда мутахассислар иштирокида тез-тез суҳбатлар уюштирилиб турилади. Ҳар бир ҳудудга бириктирилган шифокорлар хонадонларга бориб, аёллар, келинчаклар аҳволидан хабардор бўлишади. Аёлларимиз репродуктив саломатлик энг аввало соғлом зурриёт учун, қолаверса, оналар учун зарур эканлигини яхши тушунишади. Юртбошимизнинг энг чекка қишлоқларни ҳам тиббий хизмат билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмалари асосида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, носоғлом турмуш тарзи, ичкилик оқибатида ногирон бўлиб туғилган гўдаклар, уларнинг аянчли тақдири ҳақида маърузалар, суҳбатлар уюштирилмоқда. Шу ўринда тиббий кўрикдан ўтказилган 21284 туғиш ёшидаги аёллардан 6341 нафарида экстрагенитал касаллар аниқланиб, уларни соғломлаштириш чоралари давом этаётганлигини айтиб ўтмоқчиман. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оилани режалаштириш ҳақидаги суҳбатлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда оналар ўлими қайд этилмади.

Ҳақиқатдан ҳам Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Биз халқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз...", уларнинг соғломлиги учун ҳам жуда эрта, гўдаклик чоғидан, ҳатто туғилмасидан аввалроқ қайғуришимиз керак. Бунинг учун юқорида айтилган фикрлар, саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиши лозим. Қайсики, соғлом авлоднинг вояга етишида барчамиз масъулмиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
Собир ЗУФАРОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

СУРАТДА: туман марказий тиббиёт бирлашмаси шифокорлари.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИЛЛАТЛАР ПАЙИ КЕСИЛАДИ

Бугун инсониятни чуқур ташвишга солаётган зарарли иллатлар қаторида кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик алоҳида ўрин тутади. Бу ножўя одат миллионлаб инсонларнинг соғлиғи ҳамда тинч-осуда ҳаётига раҳна солиб, кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлаётир.

Тамаки тутуни таркибида 300 га яқин зарарли моддалар мавжуд. Тутаганда чиқадиган никотин, ис гази, карбонат ангидрид, радиактив полоний, қўрғошин, турли қатрон ва кислоталар, қоракуя ҳамда бошқа бир қатор заҳарли моддалар нафақат кашандани, балки атроф-муҳитни ҳам заҳарлайди.

Авваллари эркакларнинг тамаки чекишини одатий ҳолдек қабул қилар эдик. Кейинчалик "Қуш уясида кўрганини қилади" деганларидек, ёш болалар орасида ҳам тамаки чекиш тарқалаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Энг ачинарлиси, келажагимиз яратувчилари бўлмиш аёллар орасида ҳам бу зарарли одатга ружу қўйиш ҳолатлари учрамоқда.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, кашанда аёлдан соғлом фарзанд дунёга келиши даргумон. Боиси, тамаки заҳари наслга ҳам таъсир этади. Фарзандсизликка ҳамда туғма заиф, ногирон, жисмоний нуқсонлари бор фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали билан ҳамкорликда воҳамизда бу иллатларга билиб-билмай дучор бўлган аёллар ўртасида ўтказган таҳлил шуни кўрсатдики, вилоят ҳудудида 254 аёл сурункали ичкиликбозликка, 57 аёл гиёҳвандликка дучор бўлган. Маълумотларга кўра, ақли заиф болалардан 50 фоизининг онаси кашандаликка ва спиртли ичимликларга ружу қўйган.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотларига кўра, ўтган йилда 7828 ҳайдовчи транспорт воситаларини маст ҳолда бошқаргани аниқланган. Уларнинг 11 нафари аёллар экан.

Бундай ҳолатларни шунчаки, четдан туриб танқид қилмай, амалий ишга ўтиш пайти келганга ўхшайди.

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилгани мамлакатимиздаги истиқболли ислоҳотларнинг узвий давоми десак, муболаға бўлмайди. Бу Қонуннинг зарурлигини юқоридаги вазият яққол кўрсатиб турибди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида тўртта сиёсий партия фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати гуруҳи аъзолари томонидан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Янги Қонун лойиҳаси Юртбошимизнинг 2010 йил 27 январдаги "Баркамол авлод" йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголли ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклашга қаратилган. Қонунга кўра, 20 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш, шунингдек, таълим ва тиббиёт муассасалари, кинотеатр, театр, цирк, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музей, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларида, болалар ва ёшлар дам олиш масканларида, бошқа жамоат жойларида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ,
Чарос САИДОВА,
Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитаси девони ходимлари.

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудидаги собиқ Оҳунбобоев ширкат хўжалиги ҳудудидан 1995-1996 йилларда фуқароларга уй-жой қуриш учун «Кимошди» савдоси орқали сотилган ер майдонларида қурилиш ишлари бошланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси, 10-бандига асосан ушбу ер майдонлари туман захираси ихтиёрига қайтариб олинади.

Мурожаат учун телефонлар: 8-370-76-21-973, 8-370-76-21-115.

Кредитный союз
"TEZKOR KREDIT"
объявляет членам кредитного союза о созыве внеочередного собрания
16 августа 2011 года,
в 10:00.
по адресу: г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 2, дом культуры - Ташсельмаш.
Телефоны для справок:
267-65-00, 268-62-56, 267-54-69

МУЛОҲАЗА

ИХЧАМ ТЎЙ – ИБРАТЛИ ТЎЙ

Кундан-кун ҳаётимиз фаровонлашиб, турмуш тарзимизда шукроналикка мойиллик кучайиб бормоқда. Тинч-тотув кунларимизга тўй-тантаналар, хотиржам кўнгилларга шодиёналар ярашади. "Ўзбек бойиса, тўй қилади" дейишади. Ҳаммани ҳам тўйларга етказсин, пешона тери тўкиб топганларимиз фақатгина яхши кунларимизга насиб қилсин.

Айни кунларда ҳам қаторқатор тўйхоналарда, хонадонларда тўй устига тўйлар бўлиб ўтяпти. Тўй яхшида, бу кунни неча ойлаб, йиллаб кутади одамлар, тайёргарлик кўради. Тўй – ўз номи билан тўй, орзу-ҳаваслар рўёбга чиқадиган кун. Ва бу кун ўзининг бор тафсилотлари билан бир умрга ёдда қолади.

Баъзилар имконияти кўтарса-кўтармаса, "Шавла кетсакетсин, обрў кетмасин" қабилида йўл тутиб, катта-катта қарз ҳисобига дабдабали тўй қилиб, эл оғзига тушишни хоҳлашади. Ортиқча сарф-харажатлар, кераксиз чиқимлар билан тўй ҳам ўтади. Машмашанинг зўри эса тўйдан кейин бошланади. Қарз берган пулини қистаб келади, тўй эгаси дарғазаб, чилласи чиқмаган келин-куёв хижолатда... Бу орада қуда-андалар ташрифи ҳали тинмаган, яна сарф-харажатлар... Икки орада гап-сўзлар кўпаяди. Бу гап-сўзлар қанот боғлаб, тезда ҳамманинг қулоғига етади. Эшитганнинг хаёлидан бир хил фикр ўтади: "Кимга керак эди ортиқча дабдабабозлик?"

Дарҳақиқат, кимга керак бу сохта обрў, охири вой бўлган вақтинчалик ҳою-ҳавас? Қачонгача давом этади бу "ким ўзар"га ўтказилаётган тўйлар? Ким чек қўяди бунга? Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 1998 йилдаёқ мана шундай ортиқча исрофгарчиликлар, дабдабабозликларнинг олдини олиш мақсадида, тўй-ҳашамлар, маросимларни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Жойларда бу қарор асосида маълум ишлар қилинди. Бироқ, ҳамон айрим манман кимсаларнинг ён-артофдагилардан устунлигини кўрсатиш мақсадида худбинларча, калтабинларча қилаётган ишлари туфайли бунга барҳам берилмаяпти. Сабаби – ўзбеклар ориятли халқ. Болаларим ҳеч кимдан кам бўлмасин, тенгдошлари олдида ўксинмасин дейди. Бу ҳам аслида нотўғри тушунча. Фарзандларимиз илм олишда, яхши касб эгаллаб, эл-юрт хизматида, ота-онага тиргак бўлишда, умуман фақатгина эзгу мақсад, ибратли ишларда бир-биридан кам бўлмасликка интилишлари керак, асло сохта обрў учун эмас.

Яқинда бир тўйга гувоҳ бўлдик. Тўй эгаси Гулсара опа Мербанова Дўстобод шаҳри маҳаллаларидан бирида раис. Бир ўғли ва бир қизи бор. Ўғлини уйлантирди. Келин асли самарқандлик, ота-оналари эса тадбиркорлик қилишаркан. Тўйдан аввал унашув маросимидаёқ қудалар, қариндош-уруғлар ўзаро йиғилишиб, тўйни чиройли, ихчам, ортиқча сарф-харажатсиз ўтказишга келишиб олдилар. "Нон синдириш", "фотиҳа тўйи", "чарлар" каби маросимлар ҳам ихчам тарзда тўй куни ўтказилди. Чоғроққина тўйхонада, 3-4 соат ичида барчаси бир вақтда бўлди. Қатор-қатор "лимузин"ларсиз, қудаларнинг ўзаро ортиқча сарпосуруқ, латта-путталарисиз ҳам тўй ниҳоятда чиройли ўтди. Тўйда иштирок этган, барчасига гувоҳ бўлган маҳалладошлар: "Отангга балли қизим. Бўларкан-ку мана шундай чиройли, ибратли тўйлар қилса..." дея раис опага раҳмат айтишди.

Гулсара опанинг асли касби ўқитувчи. 32 йилдан буён Куйи Чирчиқ тумани Дўстобод шаҳридаги 10-сонли мактабда болаларга илм-фан сирларидан сабоқ беради. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига бўлиб ўтган сайловларда Гулсара опани бир овоздан раис этиб сайладилар.

– Ҳар бир ишда ташаббус зарур, – дейди Гулсара опа. – Агар биз ҳукуматимиз қарор ва кўрсатмаларини халққа етказишда шахсий ибрат, намуна кўрсатмас эканмиз, тилимиз билан ишимиз бир бўлмас экан, интилишларимиз бесамар кетаверади. "Ким ўзар"га тўй қилишга менинг ҳам қурбим етади. Аммо, мен ундай қилмадим. Одамлар маҳалла фаоллари, раҳбарлардан ибрат олишлари керак. "Тўйларни ихчамлаштирайлик!" дея минбарларда гапирсаг-у, ўзимиз амал қилмасак, гапларимиз фақатгина хўжакўрсинга қилинган баландпарвоз, қуруқ маъруза бўлиб қолаверади...

Гулсара опанинг айтишича, бундан уч йилча илгари қизини ҳам қудалари билан ўзаро келишиб, мана шундай ихчамгина тўй қилиб узатган. Тўйдан сўнг, қуда томон ўғли ва келинига атаб, қисқарган харажатлар ҳисобига ажойиб ҳовли-жой олиб берди. Сўнгра эса улар ҳам ўзининг 3 нафар қизига ихчам, ибратли тўйлар қилди... Фарзандларининг барчаси бахтли-тахтли, ҳеч кимдан кам эмас.

Яқин йилларда жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз мамлакатимизни четлаб ўтди десак, янглишмаган бўламиз. Муҳтарам Юртбошимизнинг доно сиёсати ҳамда халқимизнинг тежамкорлиги боис, ҳаётимиз тўкин, турмушимиз фаровон. Шундай экан, бугунимиз гўзал, эртанги кунимиз янада файзли бўлиши учун ортиқча исрофгарчилик, ноўрин дабдабабозликдан воз кечайлик. Зеро, манманлик, қадриятларимизга беписанд қараш, сохта обрўга интилиш фарзандларимизга бахт олиб келмайди. Ҳар икки қалбнинг соф муҳаббати, ота-она розилиги чинакам бахтга элтади. Шундай бахт кириб келган ҳар қандай остонанинг ўзи тиллога тенгдир.

Малоҳат РИСБОЕВА.

РАССОМ ХАНДАСИ

ЧФ "OLMOS-DENTA MEDIKAL", зарегистрированное в хокимияте Юнусабадского района г. Ташкента (ИНН 206801267), расположенное по адресу: ул. Джахон Обидова, дом 8, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собственника № 1 от 13.07.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 710-65-62.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган (СТИР 201353884) "ELITA-TUR" ХФга қарашли 07.02.2000 йилда берилган FN№ 019299-сонли Фирмали ном асл нусхаси, (ОКПО 15491274) стат коднинг асл нусхаси, фирма рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи 24.02.1995 йилда берилган 363-сонли Далолатнома асл нусхаси ҳамда фирма Уставининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маълумот учун тел.: 452-08-23.

Ўртачирчиқ туманидаги "NURMAT TRANS SERVIS" ХКга Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси" томонидан берилган қуйидаги:
– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолияти учун 2008 йил 27 март куни берилган "АТ" серияли 000034 рақамли лицензия фаолияти Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 28 июндаги 11-11-26/10318-сонли иш юзасидан ҳал қилув қарорига асосан 6 ой муддатга тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот беради.

ООО "AVTO TECH PROM SERVIS" (ИНН 206678222) Сергелийского района г. Ташкента уменьшает уставной фонд с 185.190.000 сумов до 64.500.000 сум. Претензии по тел.: 704-11-74.

Мирзо Улуғбек туманидаги "FURQAT BIZNES PLUS" ХК (ИНН 300063927) ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгараётганлигини маълум қилади.

ООО "BIOMIR FLORA", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского (Собир Рахимовского) района г. Ташкента № 000631-05 от 13.01.2005г. (ИНН 205334571, ОКПО 19880914) в соответствии с протоколом общего собрания учредителей № 1 от 30.06.2011г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, 59. Тел.: 344-31-31.

ООО "AVTO INVEST LEASING" (ИНН 300735833) Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 003 603 000 сум до 400 720 600 сум.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 13.03.2007 йил гувоҳнома рақами № 000530 билан рўйхатга олинган (ИНН 300341762) "FAKTOR-EXTRA" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-742. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 1234